O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI
BO'STON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

Andijon viloyati Bo'ston tumani Mustaqillik ko'chasi 51-uy

2021 - yil 31 - dekabr 92-1-19-Q/21 Bo‘ston tuman hokimligi

Бўстон туманидаги умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-348-сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарори ижросини таъминлаш, Бўстон тумани марказини кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг тирбандликлар юзага келишини олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситаларини ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Бўстон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2021 йил 13 декабрь кунги 197-сонли хатини кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Бўстон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2021 йил 13 декабрь кунги 197-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан:

А373 М39 Тошкент-Ўш ҳалқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг 394 км (Суд биноси олди)га 1 дона 3.27 “Тўхташ таъқиқланади” йўл белгиси;

А373 М39 Тошкент-Ўш ҳалқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг 395+550 пк ўнг томони (прокуратура олди)га 1 дона 3.27 “Тўхташ таъқиқланади” йўл белгиси;

4к-119 “Қозиқўрғон-Бўстон-Шодмонов” маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлининг 3 км ўнг томон қисми (Адлия)га, 3 км 100 пк чап томон қисми (ИИБ биноси олди)га 3.27 “Тўхташ таъқиқланади” йўл белгилари ўрнатишга руҳсат берилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (А.Ахунов)га мазкур йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ички ишлар бўлими (Б.Азимжонов)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларини мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилинишига ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ҳокимининг матбуот котиби (Б.Назиров), “Бўстон” газетаси (О.Сулаймонов) мазкур қарорни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш ҳамда маҳаллий матбуотда чоп этиш ва унинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларнинг кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Ушбу қарор расмий манбаларда эълон қилинган кундан кучга киради.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари А.Хошимов зиммасига юклатилсин.

Бўстон тумани ҳокими **Nosirova S. A.**